

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари (биринчи мақола)



11:30 / 11.11.2023 1439

هَلَلٌ لَّيْلِيٌّ لَّالِاقٍ وَ يَبْأُنُّبُ دُعَسَلَبَقَا: لَاقُ عُنَّعُ لَلِ يَضَرَّ رَجَاجُ نَع
يُذِمُّرَّتْ لَأَوْرُهُ. لَاقُ وُرْمَا يَنْرُيْلَفِ يَلَاخُ آدَه: مَلَسَ وَهِيْلَع

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Абу Ваққос келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мана бу менинг тоғам. Бас, ким менга ўз тоғасини кўрсата олади!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг волидалари Омина бинти Ваҳб Бани Зухра қабиласидан бўлганлар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳам Бани Зухра қабиласидан бўлганлари учун Набий алайҳиссалом у кишини «тоғам» деганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ва бошқа қариндошлари ҳақида кўп эшитганмиз ёки ўқиб, билганмиз. Аммо у зотнинг тоғалари ҳақида эшитмаган бўлишимиз мумкин. Ҳа, Саъд ибн Абу Ваққос исмли улкан саҳобий билан кўпчилик таниш, аммо айнан худди ўша улўф саҳобий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари эканлигини, у зот ўз тоғалари билан фахрланишларини жуда кам одам

билади. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила келажак сатрларда айнан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари – Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари, шахсиятлари ва босиб ўтган ҳаёт йўллари билан танишиб чиқамиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.